O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 1-oktabr • Shanba • 123 (27.458) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устозлар, муҳтарам муаллимлар!

Аввало, сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Дунёда касблар кўп, ҳар бирининг ҳаётда ўз ўрни, ўз аҳамияти бор. Лекин улар орасида шундай бир улуғ касб борки, бошқа барча касблар унинг негизида шаклланади ва тараққий этади. Бу олижаноб касбнинг номи ўқитувчилик, мураббийликдир.

Табиийки, устоз, муаллим деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам эзгулик бунёдкори бўлмиш сиз, муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларимизни ҳар қанча улуғлаб, шаънингизга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Азиз дўстлар!

Юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, фарзандларимизнинг биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишини кўриш — барча ота-оналар қатори мен учун ҳам бутун фаолиятим, керак бўлса, бутун ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк орзу, буюк мақсаддир.

Ана шу юксак мақсад йўлида бугунги кунда дунёда кенг эътироф этилаётган кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълими соҳасидаги умуммиллий дастурларимизни амалга оширишда мен аввалгидек сизларни — фидойи ва заҳматкаш инсонларни ўзимнинг энг яқин маслакдошларим, бу борадаги таянчим ва суянчим деб биламан.

Бугун биз замонавий асосда билим олиб, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида Ватанимизга содиқ фарзанд бўлиб тарбия топаётган, ёшлик шижоати ва истеъдоди билан Ўзбекистон шуҳратини дунёга таранним этаётган минг-минглаб ўғил-қизларимиз тимсолида сизлар билан биргаликда амалга ошираётган ана шундай улкан ишларимизнинг ҳосили ва самарасини кўрамиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар қандай одамнинг ҳам ҳавасини уйғотадиган юзлаб мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, янги олий ўқув юртлари барпо этилаётгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон андозаларига мос ўқув воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳаси ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимий эътибор марказимизда бўлиб келаётгани барчангизга яхши маълум.

Бу йўлда давлатимиз, халқимиз бундан буён ҳам ҳеч нарсани аямайди, бор куч ва имкониятларини шу олижаноб ишга сафарбар этади.

Албатта, бундай шарт-шароитлар ўз йўли билан, лекин биз учун энг муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи масала — бу ана шундай билим масканларида кимлар дарс бераётгани, фарзандларимизнинг тақдири ва келажаги ишониб топширилган ўқитувчиларнинг касб маҳорати, билим ва тажрибаси, масъулияти ва фидойилиги билан боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошқача айтганда, бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай оладиган ижодкор шахсга, ёшларнинг юрагига чуқур кириб борадиган юксак фазилатлар эгасига айланишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Айниқса, бутун дунёда инсон қалби ва онги учун кескин кураш кечаётган, тинч-осойишта ҳаётимизга қарши турли таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда унибўсиб келаётган ёш авлодимизни бегона ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, уларни иродаси бақувват, ҳушёр ва сезгир, ўз халқи, ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш вазифаси ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз ҳаётини, бутун борлиғини шу эзгу ишга бағишлаган сиз, фидойи муаллим ва мураббийларимиз бу вазифани албатта шараф билан адо этасизлар, деб ишонч билдиришга ҳамма асосларимиз бор.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор муборакбод этар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Фарзандларингиз, шогирдларингизнинг камолини берсин, уларнинг бахту саодатини кўриш насиб этсин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЛАЙЗИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллайлнинг таклифига биноан 2-4 октябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади. Ташриф давомидаги музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қиладилар. Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар, биродарлар!

Сиз, қадрли Бухоро деҳқонларини, бутун Бухоро аҳлини эришилган юксак меҳнат ғалабангиз билан — пахта тайёрлаш шартномасини юртимизда биринчилардан бўлиб адо этганингиз билан чин қалбимдан табриклаб, балли, азизларим, деб кутлашга ижозат бергайсиз.

Мамлакатимиз пахтачилиги тарихида мислсиз ютуқ ва марраларга эришганингиз, Бухоронинг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитида гектаридан қарийб 30 центнердан ҳосил олиб, 360 минг тонналик хирмон бунёд этганингиз, уни юз фоиз биринчи навларга сифатли топширганингиз, кунлик суръатни 7-8 фоизга ошириб, шунинг ҳисобидан олган мажбуриятингизни 17 иш кунида шараф билан бажарганингиз, ҳеч шубҳасиз, ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносиб, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бухоронинг жазирама иссиғи, изғирин чўл шамоллари, экин майдонларининг ҳар йили уч мароталаб шўрини ювишга тўғри келишини инобатга оладиган бўлсак, вилоят деҳқонларининг ҳар кунги меҳнатини чинакам матонат, изланиш ва омилкорлик намунаси, деб баҳоласа арзийди, албатта.

Сизлар қўлга киритган бу ютуқларнинг замирида, авваламбор, Бухоро аҳлига азалдан хос бўлган ҳаётий билим ва тажриба, деҳқонларнинг сермашаққат ва оғир меҳнати, миришкорликнинг сир-асрорини пухта эгаллагани, ерга меҳр ва ардоқ билан қараш, у билан тиллашиб яшаш туйғуси, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар, энг муҳими, барчамизни боқадиган ерга эгалик ҳиссиёти билан муносабатда бўлиш ва фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уни ҳар томонлама рағбатлантириш сингари омиллар мужассам.

Бу мавсумда тайёрланган пахта ҳосилининг 64 фоизи айнан фермер хўжаликлари томонидан етказиб берилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Айниқса, вилоятнинг пахта хирмонига ҳар бири 35-41 минг тоннадан зиёд салмоқли улуш қўшган Вобкент, Ромитан, Шофиркон каби туманлар пахтакорларининг азму шижоати таҳсинга сазовордир.

Сизлар далада ҳали мўл бўлган ҳосилни йиғиб-териб олишда ва бу йилги мавсумни барча тармоқларда муносиб якунлашда ҳам мана шундай шижоат ва қатъият кўрсатасиз, деб ишонаман.

Ишларингизга омад, оилаларингизга қут-барака, бахт-саодат тилайман.

Ҳорманг, қўлингиз дард кўрмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

30 сентябрь куни пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга юртимизнинг моҳир педагоглари, фахрий ўқитувчилар, жонкуяр мураббийлар, ушбу соҳага эндигина қадам қўяётган ёш ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Беруний» маҳалласи оқсоқоли Саидаҳмад Обидов ўқитувчи ва устозларни байрам билан кутлади. Йиғилиш санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов, Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов, А.Оригов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

✧✧✧

Суратда: *байрам тадбиридан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Сиртқи қабул соатлари

Ҳурматли газетхонлар! Хабарингиз бор, олдинги сонларимизда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси қандай бораётгани, мактабгача таълим муассасаларида яратилаётган шароитлар юзасидан юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазаларини билиш, уларни ўйлантираётган ҳолатларга жавоб топиш мақсадида навбатдаги «Сиртқи қабул соатлари» **республика халқ таълими вазири Туробжон ЖЎРАЕВ** билан ўтказилиши ҳақида эълон берилган эди.

Мактаб таълими:

ИСЛОҲОТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўтган вақт мобайнида сизлардан кўплаб телефон қўнғироқлари бўлди, фикр-мулоҳазалар битилган мактублар олдик. Энг қувонарлиси, бизга кўпчилик ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари ва шу касбни танлаган ёшлар мурожаат қилишиб, ўзларини қизиқтираётган бир талай масалалар юзасидан мутасаддилар изоҳларини сўрашди. Бугун ушбу саволлардан энг муҳимларига республика халқ таълими вазири, вазир ўринбосарлари ҳамда бошқарма бошлиқлари жавоб беришади.

2-бет

«Пахта — 2005»

ЕРГА ЭГАЛИК ҲИССИ ВА МАНФААТДОРЛИК

ТУЙҒУСИ БИЛАН ЯШАБ, МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН БУХОРОЛИК ПАХТАКОРЛАР ДАВЛАТГА 360 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИБ, ШАРТНОМАВИЙ РЕЖАНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР

Бугун Шарқ гавҳари — кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоронинг ҳар бир гўшасида шодиёна, қувонч. Вилоятнинг аҳдига вафодор пахтакорлари бу йил ҳам ўз салоҳиятларини намоён этиб, шартномавий режани мамлакатда илғорлар қаторида уддаладилар. Бу улкан ва залворли хирмонни бунёд этишга атиги ўн етти иш куни кифоя қилди, холос.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, — деди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Матлуб Нўъмонов, — вилоят пахтачилиги тарихида ҳеч қачон сентябрь ойида режа уддаланган эмас. Бу улкан ютуқлар замирида эса машаққатли меҳнат, ишни омилкорона ташкил этиш, ердан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч бўлган фермерчилик ҳаракатига кенг йўл очиш ётади. Биргина Ромитан тумани бундан икки йил олдин тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилгани боис соҳадаги сурункали қолоқликка барҳам берилди.

Дарҳақиқат, вилоятда фермерчиликка кенг йўл очиб берилди. Агар 1997 йилда вилоятда 351 та фермер фолият кўрсатган бўлса, ҳозир улар сафи 5777 тага кўпайди. Энди фермер устамон иқтисодчи, билимдон раҳбаргина эмас, балки уч-тўрт касб соҳиби ҳамдир. Бу хислатлар эса унга ҳар дақиқа асқотиши боис муваффақиятлар катта бўлмоқда. Яратилган пахта хирмонининг 62 фоизи улар улушига тўғри келаётгани ҳам фикримиз исботидир.

— Мустақиллик шарофати ила ер ҳақиқий эгасини топди, — дейди Ғиждувон туманидаги «Бекова Розия» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Р.Бекова. — 23 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирдик. Режадаги 79 тонна ўрнига 100 тоннадан ошиқроқ юқори сифатли пахта териб олдик. Шунинг эвазига 30 миллион сўм даромадга эга бўлдик.

Дарвоқе, мустақиллик йилларида вилоятда пахтачилик соҳасида ўзига хос тажриба мактаби шакланди. Бунинг устига ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Йиллар давомида эътиборсизлик оқибатида кўмилиб қолган зовурлар қайта қазилди.

— Биргина бу эмас, — дейди Вобкент тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси сенати аъзоси Муҳиддин Эсанов, — ерга эгалик ҳисси ва манфаатдорлик туйғусини деҳқонларимиз тўла англаб етдилар. Ортиқча сарф-харажатдан тийилдилар. Илгари ҳар гектар ерга 70-80 килограмм чигит экилган бўлса, бу йил вилоятда хориж технологияси қўлланилгач, бу миқдор 15-20 килограммни ташкил этди. 35 минг тонна пахта топшириб, вилоятда ҳамон биринчимиз.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мана икки йилдан буён, вилоятда ғўза баргини сунъий тўктиришга, ҳосилнинг 85-90 фоизи пишиб етилгандагина йиғим-теримга ёппасига киришишга, терим техникаси кучидан имкон қадар фойдаланишга алоҳида эътибор берилянти.

— Бундай иш услуби ҳосилни сифатли ҳамда қисқа фурсатда йиғиб олишда жуда қўл келяпти, — дейди Қоракўл туманидаги Ёдгор Сафаров номли ширкат хўжалиги раиси Донишғулом Кўччиев. — Ҳозиргача 36,5 центнердан ҳосил йиғиб олдик.

Шу кеча-кундузда вилоят пахта далаларида ўн тўққизта терим машинаси унум билан ишламоқда. Хусусан, Бухоро, Когон, Қоровулбозор туманларида машиналар деҳқонлар оғирини енгил қилмоқда. Бунинг эвазига Бухоро, Когон туманларида йиллик шартномавий режа анча барвақт бажарилиб, катта иқтисодий тежамкорликка эришилди.

Шартномавий режанинг одатдагидан барвақт бажарилиши, терилган пахтанинг биринчи навларга қабул қилиниши вилоят деҳқонларига жуда катта моддий манфаат олиб келяпти. Бугун пахтакорлар етиштирган мўл ҳосил эвазига вилоят шу соҳадан 124 миллиард 778 миллион сўм даромад кўряпти. Бу 1997 йилги даромаддан ўн тўққиз марта кўпдир.

Ютуқларнинг омилларидан яна бири шуки, мавсум давомида ҳар беш кунда теримчилар меҳнатига даланинг ўзида нақд пул билан ҳақ тўланди. Акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Бухоро филиалидан олинган маълумотга қараганда, ўтган вақт давомида теримчиларга 9 миллиард 625 миллион 400 минг сўм пул тарқатилган.

Қадим Бухоро далаларини айландик. Гарчи шартномавий режа уддаланган бўлса-да, ҳали далаларда ҳосил кўп. Вилоят деҳқонлари чамасига қараганда бу йилги ҳосил хирмони 400 минг тоннадан ошади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *Когон туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги пудратчиси Мақсуда Бекова.*

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

ФИТНА ФОШ ЭТИЛМОҚДА

Андижон воқеалари мамлакатимиз тарихида, халқимиз ҳаётида азобли из қолдирган оғир жароҳатдир. Бу машъум фожиа оқибатида қанча одам ҳалок бўлди. Кўплаб кишилар жароҳат олди. Фуқароларимизга, шунингдек, давлат ва жамият манфаатларига жиддий маънавий ҳамда моддий зиён етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёни бўлиб ўтаётган шу кунларда, айниқса, ўша даҳшатли ҳодисалар туфайли ҳаётдан кўз юмган юртдошларимиз, уларнинг аччиқ қисмати ҳақида ўйламаслик мумкин эмас.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни сақлаш, эл-юртимизни ҳимоя қилиш учун мардона жон берган ҳарбийларимиз бўладими, қурбон бўлган бегуноҳ тинч аҳоли вакиллари бўладими — барчасининг хотирасини ёд этиш, уларнинг ота-оналари, жигарбандлари, ёру биродарлари дардига ҳамдард, қайғусига шерик бўлиш инсоний бурчимиз.

Аслида бугун суд қора курсисида иқрорий кўрсатмалар бераётган судланувчиларду уларнинг ўша воқеалар чоғида ўққа учган жиноий шериклари, шунингдек, олис-яқин юртларда дарбадар улоқиб, бировларнинг садақасига зор бўлиб, хор бўлиб юрган ҳамтовоқларининг ҳам ота-онаси, яқинлари, энг муҳими, қоракўз фарзандлари бор.

Булар-ку, барибир, жиноятига яраша жазосини олади. Аммо оқ ювиб, оқ тараб ўстирган фарзандлари номаъқул кўчаларга кирганидан пушаймон оталар, муштипар оналарнинг қадди эгилиб, қалби вайрон бўлиб қолмадими? Уларнинг қариндош-уруғлари маҳалла-кўйда қандай бош кўтариб юрсин? Энди-энди балоғат остонасидан ҳатлаётган ўғил-қизлар эрта-бир кун «ўша фалончининг боласи» деган иснодга қандай чидайди? Эл ичида ноқис ота орттирган тавқи лаънатга кўниб яшаш қайси фарзанд учун осон деб ўйлайсиз...

Қуръони каримда: «Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва адоват (йўли)да ҳамкорлик қилмангиз», дейилади («Моида» сураси, 2-оят). Бу ояти каримадан маълум бўладики, эзгу ният йўлида ҳамкорлик қилиш ер юзида тинчлик-осойишталик, адолат ва фаровонлик барқарор бўлишида бош омилдир. Гуноҳ ва адоват йўлидаги фитна эса...

Дарвоқе, судланувчилар судда дастлаб ўзларини диндор, тақводор, тадбиркор кишилар қилиб кўрсатгани, аслида риёкорлик билан юртимизга, элимизга, динимизга қарши фитна йўлига киргани, ўз қабиҳ мақсадларига эришиш учун ўта оғир жиноятлардан, одамкушлигу хунрезликлардан ҳам тап тортмагани тўғрисида атрофлича, далиллар билан асосланган, иқирчиқирларигача аниқлаштирилган тафсилотларни баён этди.

Суд жараёнининг навбатдаги босқичида ўнлаб жабрланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар вакиллари жиноят иши юзасидан кўрсатмалар бермоқда.

3-бет

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04;
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

МАКТАБ ТАЪЛИМИ: ИСЛОҲОТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Сиртқи қабул соатлари

Мақсуда ҚОДИРОВА *(Самарқанд шаҳри):*

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони асосида янги тикланаётган мактаб бинолари сифати қай тартибда ва кимлар томонидан қабул қилиб олинади? Бунда жамоатчиликнинг иштироки қандай?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли қарори билан тасдиқланган дастурга ва 2005 йилда умумтаълим мактабларини янгидан қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш учун республика бўйича тузилган манзилли рўйхатга биноан жорий йилда жами 1097 та объект, шу жумладан, 53 та янги мактаб қурилди, 284 та мактаб капитал реконструкция, 438 таси капитал ва 322 таси жорий таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Дастурга киритилган таълим объектларидаги қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифати бўйича жойлардаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси томонидан текширишлар олиб борилди, шунингдек, мазкур объектлардаги ишларни лойиҳа асосида олиб бориш бўйича лойиҳа институтлари томонидан муаллифлик назорати ўрнатилди.

Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда «Умумтаълим мактаб бино ва иншоотларини фойдаланишга топшириш тартиби бўйича» йўриқнома ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 7 июлдаги Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссиясининг 07-1-124-сонли баённининг 7-иловаси билан тасдиқланди. Ушбу йўриқномада янги қурилган, капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирланган мактабларни қабул қилиш жараёнида тайёрланиши лозим бўлган ҳужжатлар асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилган объектларни Давлат қабул қилиш комиссиясига тақдим этилаётган актлари расмийлаштирилиши, шунингдек, қайси вазирлик ва идораларнинг хулосалари бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилиши мўлжалланган таълим объектларини қабул қилиш 3 босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич — туман ҳокими фармойиши билан тузилган жамоатчилик комиссиялари, туман Нуронийлар жамғармаси раиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, маҳалла оқсоқоли, мактаб раҳбари, ота-оналар қўмитаси раиси, мактабнинг фахрий ўқитувчилари томонидан объектда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари кўриб чиқилиб, ишчи комиссиясига далолатнома тақдим этилади.

Иккинчи босқич — вилоят ҳокимлиги тасарруфидаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси раислигида, вилоят Давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси, лойиҳа ташкилоти, туман меъмори, СЭС, ёнғин хафвсизлиги, туман сувоқава, газлаштириш, меҳнат бўлими мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан бош пудратчи иштирокида мактаб ҳолати синчиклаб ўрганиб чиқилиб, мавжуд камчилик ва муаммолар қайд этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан пудратчига муддат берилади.

Учинчи босқич — ишчи комиссияси тасдиқлангандан сўнг пудратчи ташкилот томонидан қурилиш ишлари тугатилган объектни фойдаланишга топшириш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб, барча тегишли ташкилот ва идораларнинг хулосалари, жамоатчилик ва ишчи комиссиялари далолатномалари илова этилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган объектларни қабул қилиш комиссиясига тақдим этилади ҳамда Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, мактаб биноси қабул қилинади.

Юлдуз ҲАМРОЕВА *(Каттақўрғон туманидаги 17-ўрта мактаб директори):*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарорига асосан, республикамиз мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг ойлик маошларига устамалар белгиланди. Бу йил мазкур мақсадлар учун давлат бюджетидан қанча маблағ ажратилган? Умуман, бу борадаги ишлар бўйича соҳа ходимлари фикри ўрганиляптими?

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан «Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди. Мазкур Низом асосида 2004 йилнинг август ойида республика бўйича жами 442210 нафар ўқитувчидан 176192 нафарига, яъни 39,8 фоизига устамалар белгиланди.

Жорий ўқув йилининг 2-ярим йиллигида республикамиз мактабларида фаолият кўрсатаётган жами 451404 нафар ўқитувчилардан 184886 нафари (41 фоизи)нинг ойлик маошига устамалар белгиланди. Яъни, 2-ярим йилликда устамалар белгиланган ўқитувчиларнинг умумий сони 1-ярим йиллик кўрсаткичларига нисбатан 1,2 фоизга ошди. Педагог-ходимларга жорий этилган касб маҳорати, синфдан ташқари ва тарбиявий ишлар учун белгиланган устама ҳақ тўловига давлат бюджетидан биргина ўтган ўқув йилида 14,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги Низомига педагогик жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг март-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда анкета сўровномалари ўтказилди. Унда 12329 нафар ўқитувчи, 930 та мактаб раҳбари, шунингдек, вилоятлардаги махсус комиссия раислари, аъзолари ва доимий фаолият олиб борувчи ишчи органи вакиллари қатнашди.

Сўровнома иштирокчиларининг аксарияти устама ҳақ киритилиши таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этгани, ўқитувчилар педагогик фаоллигини ва масъулиятини оширгани, ўқувчилар билимини ДТС талабларига етказишдаги самараси сезилаётгани, ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг холислигини таъминлашга қаратилганлиги, хуллас халқ таълими тизими ходимларини ягона тармоқ сеткасига ўтишига эҳтиёж борлигини таъкидладилар.

Раҳимжон НИШОНОВ *(Косонсой туман ХТБ услубчиси):*

— Шу кунларда мактаб ўқувчилари формаси борасида турлича қарашлар мавжуд. Бир неча бор ўқувчилар формасига ўзгартиришлар киритилди. Бунинг иқтисодий ва маънавий томонлари ҳам бор. Наҳотки, бу борада мутасаддилар бир қарорга келишмайди?

— Мамлакатимиз мактабларида ҳамма ўқувчилар учун қатъий, мажбурий ягона форма белгиланган эмас. Халқ таълими вазирлиги тавсия тариқасида ўқувчилар формаси намуналарини эълон қилиши мумкин. Ўқувчилар формасини танлаб олиш ҳуқуқи ҳар бир мактабдаги ўқув жараёни иштирокчилари, яъни педагоглар, ота-оналар ва ўқувчилар жамоасига берилган ҳамда бу ҳолат мактаб уставида қайд этилган. Демак, ота-оналар, ўқитувчилар ва албатта, ўқувчиларнинг фикрлари инобатга олиниб, ўша жой шароитидан келиб чиққан ҳолда мактаб ўқувчиларининг кийими маълум шакл, ранг ва дизайнда тасдиқланиб, шу мактаб учун жорий этилиши мумкин.

Бўта ДУГАНОВ *(Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 39-ўрта мактаб директори):*

— Бугунги кунда умуммиллий Дастурда кўзда тутилган мактабларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва жиҳозлари билан таъминланиши қай аҳволда?

— Умуммиллий Дастурнинг асосий босқичларидан бўлган мактабларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва жиҳозлар билан таъминлаш йўналиши бўйича бу йил жуда катта ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2004 йил 19 февралдаги «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши билан республика умумтаълим мактаблари моддий-техника базаси аҳволини ўрганиш борасида Махсус комиссия ва ишчи гуруҳлар томонидан республикамиздаги мавжуд 9727 та умумтаълим мактаблари инвентаризация ва паспортизациядан ўтказилиб, моддий-техника базаси ўрганиб чиқилди. Натижаларга кўра, умумтаълим мактабларидаги мавжуд кимё, биология, физика хоналари ва лабораториялари 28-30 фоизга, замонавий компьютерлар билан 15 фоиз жиҳозланганлиги маълум бўлди. Республика умумтаълим мактабларининг ярмида спорт заллар мавжуд бўлиб, уларнинг спорт анжомлар билан жиҳозланганлиги 23 фоизни ташкил этди. Мактаблар учун 659786 комплект парта, 65277 дона синф доскаси, 118842 комплект ўқитувчилар стол-стули, 249398 дона китоб жавони ҳамда ошхона жиҳозлари меъёрга асосан таъминланиши зарурлиги аниқланди.

Умуммиллий дастур асосида 2004-2005 йилларда ишга туширилган умумтаълим мактаблари Халқ таълими вазирлиги, республика Иқтисодиёт, Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган меъёрлар асосида, Иқтисодиёт ва Халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган талаблардан келиб чиқиб ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарорида келтирилган 1735 та умумтаълим мактабларининг манзилли рўйхатига мувофиқ мазкур қарорда белгиланган синф хоналари зарур мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланмоқда. 2009 йилга қадар Дастур асосида республикамиздаги жами 8476 та умумтаълим мактаблари мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозланиши режалаштирилган.

2005 йилда умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ўтказилган тендер-танловлари натижаларига кўра, жами 43 та корхона-ташкилот билан 240 та шартнома тузилган. Давлат умуммиллий дастурига асосан ишга туширилган умумтаълим мактабларининг 1530 та 1-4 синф, 2394 та 5-9 синф хонаси, 325 та «Маънавият ва маърифат» ва 313 та касбга йўналтириш хонаси, 382 та чизмачилик, 697 та лингафон, 988 та компьютер хонаси, 640 та физика лабораторияси, 390 та кимё ва 128 та биология лабораторияси, 221 та ошхона, 615 та спорт зали, 240 та фаоллар зали, 210 та кийим алмаштириш хонаси ҳамда 1577 та методика хонасини ўқув анжомлари билан жиҳозланиши якунланмоқда.

З.СИСЕНГАЛИЕВА *(Тахиатош шаҳридаги 8-мактаб ўқитувчиси):*

— Мактабларимизда фаолият кўрсатаётган фан тўгаракларининг бугунги аҳволи Сизни қониқтирадими? Менимча, кўплаб тўгараклар номигагина, фақат ҳисобот учун қоғозларда иш олиб боради. Бу ҳол фарзандларимизнинг бўш вақтлари назоратсиз қолишига олиб келмайдими?

— Бугунги кунда республикамиз бўйича 2,7 млн.дан ортиқ ўқувчилар умумтаълим мактабларидаги фан тўгаракларига жалб этилган. Вилоятлардан олинган маълумотларга кўра, бу жами ўқувчиларнинг 45,7 фоизини ташкил қилади. Бу борада, айниқса Бухоро, Навоий, Наманган вилоятларида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 16 июлдаги 149-сонли буйруғига асосан, ўқув йилининг ўтган даври давомида жами ўқитувчиларнинг 24 фоизи ўқувчиларни мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий фаолиятга йўналтирганлари учун иш ҳақига устама олганлар.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида умумтаълим мактабларидаги фан тўгаракларининг фаолиятини самарали ташкил этиш кўзда тутилган. Маълумки, ўтган 2004-2005 ўқув йили «Мактабдан ташқари таълим муассасалари самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб эълон қилиниб, унда белгиланган тадбирлар орқали бу борада ҳам ижобий ўзгаришлар бошланди.

Эшмурод ХУДОЙНАЗАРОВ *(мактаб директори, Самарқанд вилояти):*

— Ҳар йили 9-синфни битирган кўплаб ёшларнинг бир қисми коллежларда, қолгани эса мактабда ўз ўқишларини давом эттиришади. Битирувчиларнинг яна бир қисми эса ўқишни умуман давом эттирмайди. Эртага уларнинг тақдири қандай бўлади?

— Бугунги кунда республикамизда 9-синф битирувчиларини ҳисобга олиш ҳар бир ўқувчининг фамилияси кўрсатилган ҳолда амалга оширилмоқда. Мазкур таҳлиллардан кўзланган мақсад — барча битирувчиларни лицей, касб-ҳунар коллежлари ёки мактабларнинг 10-синфига жалб этишдан иборат. Сиз айтаётган масалага ойдинлик киритиш учун қуйидаги маълумотга эътиборингизни қаратмоқчиман: 2005 йилнинг 7 сентябрь ҳолатига кўра 9-синф битирувчиларининг 95,8 фоизи академик лицей, касб-ҳунар колежлари ва мактабларнинг 10-синфида ўқишни давом эттирмоқда. Бугунги кунда қолган битирувчиларни ҳам таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Йўлдошбой ҚУРБОНБОЕВ *(Ҳазорасп туманидаги 17-мактаб директори):*

— Хорижий давлатларда хусусий мактаблар фаолият кўрсатади. Биздa-чи?

— Таълим соҳасига оид амалдаги қонун ҳужжатларида хусусий мактаблар очиш тақиқланган эмас. Бугунги кунда давлат мактаблари аҳолининг умумий ўрта таълим олишга бўлган эҳтиёжини етарли даражада таъминлаб келмоқда. Шу сабабли аҳолининг аксарият қисмида ўз болаларини пуллик хусусий мактабларда ўқитишга эҳтиёж сезилмаяпти. Агарда хусусий мактабларни очишга эҳтиёж пайдо бўлгудек бўлса, бу масала қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Анвар АБДУРАҲМОНОВ *(Бахмал туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси):*

— Бугунги кунда республикамиз умумтаълим мактабларининг қанчасида ошхона ва буфетлар мавжуд? Улардаги шарт-шароитлар талабга жавоб берадими?

— Ҳозирги пайтда республика умумтаълим мактабларининг 5937 тасида ошхоналар, 3197 тасида буфетлар хизмат кўрсатади. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури режасига асосан 2004-2009 йилларда 284 та қўшимча, 309 та янги қурилишлар орқали жами 593 та мактабларда замонавий ошхона ва буфетлар қурилиши, фаолият кўрсатаётган мактаб ошхоналарининг 2207 комплект ўриндиқлари янгиланиши белгиланган.



Бахриддин ХАНАЕВ *(ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши II котиби):*

— Қизим Ханаева Наврўза 2004 йили Ангрен педагогика коллежини битирди. У ўқиш давомида мактабда етакчи бўлиб ишлади. Ҳозир эса 5-махсус боғчада тарбиячи. Саволим, қизим мактабда ўқитувчилик қила оладими?

— «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 5-банди билан тегишли олий ёки ўрта махсус маълумоти, касб тайёргарлиги бор шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичи асосида ҳозирги кунда педагогика коллежларида мактабгача таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий иш йўналишларида кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур таснифланишда педагогик коллежларда ўқитувчи тайёрлаш кўзда тутилмаган. Шу муносабат билан педагогик коллежларни битирганлар эгаллаган касбларига мос равишда мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи, мактабларнинг фан тўгараклари раҳбарлари бўлиб ишлаши мумкин.

Гулчеҳра МУРТАЗАЕВА *(Қўнғирот туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси):*

— Айрим мактабларда бир синфда 35-40 нафар бола ўқийди. Бу эса таълим сифатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун аниқ тадбирлар белгиланганми?

— Ҳақиқатан ҳам, айрим мактабларимизда шундай ҳолатлар мавжуд. Кузатувлардан маълум бўлмоқдаки, бундай мактабларнинг аксариятини аҳолининг назарида «нуфузли» ҳисобланган таълим муассасалари ташкил этади. Бу даргоҳларда мактаб маъмурияти ота-оналарнинг талаблари асосида фарзандларини улар кўрсатган синфларга, бола сони кўпайиб кетган бўлса ҳам қабул қилишга мажбур бўлмоқда. Аксарият ҳолларда ота-оналар ўз фарзанди ўқиш жойини танлаш ҳуқуқини бирёқлама тушунганликлари оқибатида шундай ҳолатлар юзага келмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида синфлардаги ўқувчилар сонининг 35 тадан ортиқ бўлиши назарда тутилмаган. Замонавий лойиҳалар асосида қурилаётган синфхоналар ва уларни жиҳозлаш меъёрлари 30 дан 35 нафаргача бола сонига мўлжалланган.

Сайёра ХУДАЙБЕРГЕНОВА *(Амударё туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси):*

— Мактабларда ўқувчиларни ижара тизими орқали дарсликлар билан таъминлаш йўлга қўйилгани кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Лекин айрим дарсликлар нархининг баландлиги ота-оналар учун бироз қийинчилик туғдирмоқда. Саволим шуки, биринчидан, уларнинг баҳоси қайта кўриб чиқиладими? Иккинчиси, ижара тизимига ўтмаган синфларда ушбу ишни жадаллаштириш имкони борми?

— Савол берувчи ижарага киритилган қайси дарсликларни назарда тутаётганлиги ноаниқ бўлса-да, шуни айтиш мумкинки, ижара тизимига киритилган дарсликларнинг нархи мутахассислар томонидан ўрганилиб, мавжуд молиявий ҳужжатлар ва ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг фикрлари асосида белгиланади. Дарсликларнинг ижара тизими эса, ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши сифатида жорий қилинган, десак хато қилмаймиз. Чунки бу тизимнинг афзаллигини ота-оналар, кенг жамоатчилик эътироф этмоқда. Бундан ташқари, барча 1-синф ўқувчилари ва кам таъминланган оила фарзандларига ҳар йили Президент совғаси ва бепул дарсликлар берилмоқда. Ижара тизими эса бундан кейин ҳам босқичма-босқич амалга оширилиб, 2005-2006 ўқув йилида 6-7 синфлар, 2006-2007 ўқув йилида 8-9 синфлар ушбу тизимга ўтадилар. Ҳозирги кунда ижара тизимини янада такомиллаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Дарсликларга бўлган эҳтиёжни тўлиқ таъминлаш мақсадида дарсликлар очиқ савдога ҳам чиқарилмоқда.

Нурилла НЎЪМОНОВ *(Андижон шаҳри):*

— Мактабдан ташқари таълим муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Ҳозирги даврда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 541 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 373 га яқин спорт мактаблари мавжуд. Бугунги кунда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият доираси кенг бўлиб, уларда ўқувчи-ёшларимиз дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун етарли шароитлар мавжуд. Ўтган 2004-2005 ўқув йилида 12 та янги мактабдан ташқари таълим муассасалари очилиб, уларга 20 мингдан ортиқ қўшимча ўқувчилар жалб этилди.

2003-2004 ўқув йилида вазирлик тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари (Марказлар)даги тўгараклар сони 24405 та бўлса, ўтган ўқув йилида бу кўрсаткич 1847 тага кўпайди. Ундаги ўқувчилар сони 497643 нафардан 533208 нафарга етди. Уларга бугунги кунда 10781 нафар педагогларимиз касб-ҳунар сирларини ўргатмоқдалар.

Ўқувчиларни мактабдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш юзасидан ҳар йили таълим муассасаларида ўтказиладиган паспортлаштириш орқали мактаблар қошидаги тўгарак ва спорт секцияларига жалб этилган ўқувчилар сони аниқлаб борилади. Биргина Тошкент шаҳрида 2003-2004 ўқув йилида таълим олган 359890 нафар ўқувчидан 286472 нафари (70,6%) тўгаракларга қамраб олинган бўлса, ўтган ўқув йилида 351430 нафар ўқувчидан 316243 нафари (87,5%) қамраб олинган. Демак, бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 7,9% га ортган. Хуллас айтиш мумкинки, ўқувчиларни мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этиш ишлари бугун ўз самарасини бермоқда.

Робия ХЎЖАМУРОДОВА *(Гулистон шаҳар ХТБ услубчиси):*

— Умуммиллий Дастурда кўзда тутилган мактабларни дарсликлар билан таъминлашнинг бугунги аҳволи ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзингизга маълум, мамлакатимиз тарихида ҳеч қачон мактаб таълимига бунчалик катта эътибор қаратилмаган эди. Жумладан, умуммиллий Дастур доирасида умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, давлат бюджетидан катта маблағ ҳисобига чоп этилаётган дарсликлар сони ортиб, сифати тобора яхшиланмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, шу қарор асосида 2005-2009 йиллар давомида умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг аниқ режаси белгиланди. Дастурга киритилган мактабларни жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоблари каби дарсликлар билан ҳам тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, 2005-2006 ўқув йилида 463 номда, қарийб 17 млн. нусха дарсликлар чоп этилиб, жойларга етказилди. Бу ўтган ўқув йилига нисбатан 2,5 млн. нусха кўпдир. Ўтган ўқув йилида ушбу мақсадлар учун 10,8 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2005 йилда 15,5 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу йўналишдаги ишларни кейинги йилларда янада такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Саҳифани Фарруҳ ҲАМРОЕВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ тайёрладилар

✧✧✧

Суратларда: *Юнусобод туманидаги 86-мактаб ҳаётидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ, ФАОЛЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК ЯНАДА ОШДИ, ДЕЙИШМОҚДА ХОРАЗМЛИКЛАР

...Шу кунларда хоразмлик бободеҳқонлар етилган ҳосилни қисқа фурсатларда йиғиб олиш учун ғайрат-шижоат кўрсатиб ҳаракат қилишмоқда. Улар ҳузурида Юртбошимизнинг бўлишлари, одамлар билан дилдан суҳбатлар барчанинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди.

Бахтиёр ОЧИЛОВ, Хонқа туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раиси:

— Бу йил 100 гектар майдонга пахта экканмиз. Ҳосил кўнгилдагидек мўл бўлди. Сентябрь ойидаёқ режа уддаланди.

Президентимиз хўжалигимиз далаларини кўздан кечириб ҳосил чўғини кўриб, айнан кўнглимиздаги гапларни айтдилар. Мендан «Мулкчиликнинг ширкат усули яхшими ёки фермерликми?» дея сўрадилар. Мен фермерлар кўпаяётгани, келгуси йилдан тўлиқ мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб ишлаш режамиз борлигини айтдим. Шунда Юртбошимиз: «Қишлоқ хўжалигида техника етарли бўлмас экан, фермерлик ҳам ўзини оқламайди», деб ҳақ гапни айтдилар. Яна оладиган даромадимизни ширкат аъзоларининг фаравонлигига, қишлоқдаги болалар боғчаларини таъмирлаш ва мунтазам ишлаб туришига сарфлаш ғоят долзарб ва савобли иш эканлигини уқтирдилар...

Урганч шаҳридаги 39-болалар боғчасига бориб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар

Мақсуда ЎРОЗМЕТОВА, боғча мудири:

— Боғчамиз 180 ўринга мўлжалланган бўлиб, ўтган йилларда эскириб, таъмирталаб бўлиб қолганди. Келажак авлод тақдирига катта эътибор берилаётган давлатимизда таълим-тарбия муассасаларини қуриш, таъмирлашга биринчи вазифа деб қаралмоқда. Боғчамиз давлат томонидан тўла капитал таъмирлангани бунга ёрқин мисол.

Давлатимиз раҳбари боғчамиздаги соғломлаштириш майдончаси, чўмилиш ҳавзасини кўздан кечирдилар, тарбияланувчилар билан суҳбатлашдилар, уларнинг истиқлол, Ватан ҳақида ўқиган шеърларини тинглаб, уларга совғалар улашдилар. Юртбошимиз ташрифи биз учун ҳақиқий байрам бўлди.

... «Сиҳат-саломатлик йили»да вилоятда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Айниқса, ўнлаб даволаш муассасаларининг ишга туширилгани ва замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилгани аҳолига янгидан-янги қулайликлар туғдирмоқда.

Илҳом МАШАРИПОВ, Янгибозор туман марказий шифохонаси бош шифокори:

— Шўро замонларида туманимиз ҳудудидаги даволаш маскани талаб даражасида эмасди. Қачондир қурилган касалхона биноси эскирган, янгидан қурилаётгани чала қолиб кетганди. Мустақиллик шарофати билан қисқа фурсатда замонавий талабларга тўла жавоб берадиган шифохонани ишга туширишга муваффақ бўлдик.

Юртбошимиз шифохонамизни кўздан кечирдилар. Айниқса, болалар бўлимига кўпроқ эътибор бердилар. Болалар ва оналар саломатлиги борасидаги ишларимизни кўздан кечириб, ёш авлод соғлигини сақлашга бутун куч-ғайратимиз, имконимизни сарфлашимиз лозимлигини уқтирдилар.

Касалхонамиз янги иш бошлаган. Ҳали зарур тиббиёт ускуналарини тўлалигича олиш ва ўрнатишга улгурмаганмиз. Бу ҳолат ҳам Юртбошимиз назаридан четда қолмади. Касалхонани энг замонавий тиббиёт ускуналари билан тўла таъминлашга ваъда бердилар.

... Қадим Хоразм эли байрам руҳи билан яшамоқда. Тез кунларда Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан воҳага кўплаб меҳмонлар келиши кутилмоқда. Умуман, истиқлолдан сўнг мамлакатимизда туризм соҳасига ҳам эътибор чинакамига кучайган. **«Хоразмтуризм» компанияси раиси Равшанбек ҚУРБОНОВ бизга бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:**

— Юртбошимизнинг тизимимизга қарашли Урганч шаҳридаги «Хоразмпалас» меҳмонхонасини кўздан кечирганликлари давлатимизда тармоққа нақадар катта эътибор берилаётганини кўрсатади. Олдинлари вилоятда хорижлик меҳмонлар, сайёҳларни қабул қиладиган, уларга жаҳон андазалари даражасида хизмат кўрсатадиган меҳмонхона деярли йўқ эди. «Хоразмпалас» энг сўнгги русумдаги меҳмонхона ҳисобланади. Бу ердаги хизмат кўрсатиш даражаси дунёнинг ривожланган давлатларидаги меҳмонхоналардан асло қолишмайди.

Йўлбошчимиз бу ердаги шарт-шароит, хизмат кўрсатиш даражасини хориждаги худди шундай меҳмонхона билан таққосладилар ва ўртадаги фарқ фақатгина хизмат ҳақида эканлигини айтдилар. Яъни, ҳар иккала меҳмонхона бир хилдаги шарт-шароит, хизмат кўрсатиш даражасига эга бўлгани ҳолда, бизда хизмат ҳақи хорижникидан ўн карра арзон.

Мамлакатимиз Президенти ташриф давомида минг йиллик илм-фан ўчоғи — Маъмун академиясида ҳам бўлдилар. Академиянинг иш фаолияти, шарт-шароитлари билан яқиндан танишдилар. Бу ҳақда **Хоразм Маъмун академияси раиси Каримжон САФАРОВ** шундай дейди:

— Юртбошимиз ташаббуслари билан қадим заминда Маъмун академиясининг қайта ташкил қилингани оламшумул воқеа эди. Етти йил олдин бизда Президентимизнинг бу ҳақдаги фармонларидан сўнг, ўзгача завқ билан ишни бошлаган бўлсак, мана энди дунёдаги энг қадим илм ўчоқларидан бири ҳисобланмиш бу академиянинг минг йиллиги арафасида ўзлари бу ерга ташриф буюрдилар. Ўтган даврда академияда олиб борилган ишлар кўлами — бу жараёнда Юртбошимизнинг ҳар доим бизни қўллаб-қувватлаб турганликлари ва қимматли вақтларини аямай ўзлари келиб байрам тайёргарлиги билан танишганликлари зиёли аҳлига, илм-фанга, қадим қадриятларга алоҳида эътибор намунасидир.

Президентимиз жаҳон миқёсида нишонланиши кутилаётган улуғ санага тадорик — ободончилик, қурилиш ишларининг бориши, ташкилий тадбирлар билан танишиб, қимматли маслаҳатлар бердилар. Қадим қадриятларни бошига кўтарган миллат завол топмайди, деб таъкидладилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

ФИТНА ФОШ ЭТИЛМОҚДА

Уларнинг айбланувчилар аъзо бўлган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган ёвузликлар ва бунинг оқибатлари хусусидаги гувоҳликларини тинглай туриб, табиат гултожи — инсон фарзанди бу қадар шафқатсиз ва ваҳшиёна кирдикорларга қодир эканидан ҳам ларзага тушасиз, ҳам афсус чекасиз.

Жабрланувчилардан ҳарбий хизматчи Д.Усубалиевнинг айтишича, 12 майдан 13 майга ўтар кечаси Андижон вилояти Хўжаобод тумани Тўрабобод қишлоғига Қирғизистон томондан кириб келган 50-60 нафар террорчи у билан хизматдоши А.Товулдиевга қўққисдан ташланиб қолади. Уларни шафқатсизларча дўппослаб, кейин вилоят ҳокимлиги биносига олиб келади. Бу ерда ҳар иккисининг қўл-оёқларини боғлаб, эртаси куни кечгача ушлаб туради. Кейинчалик жангарилар А.Товулдиевни отиб ташлаб, Д.Усубалиевни қаттиқ қийноқларга дучор этади.

«Омадтранс» шўъба корхонаси раҳбари Н.Мансуров ҳам гаровда бўлиш жабрини неккан. Тўрт ойдирки, у ўз бошидан кечирган руҳий, жисмоний тазйиқ асоратларидан қийналади. Ўша куни майдонда тўпланган кишилар ҳақида: «Бу одамларнинг аксарияти қуролланган жангариларнинг қариндош-уруғлари, қолганлари мажбурлаб олиб келинганлар эди», дейди у.

Жабрланувчиларнинг кўрсатмаларига қараганда, энг кўп жабр чекканлардан бири ички ишлар ходими Т.Маннопов бўлган. 13 май куни эрталаб хизмат топшириғи бўйича шериги билан эски шаҳарда киракашлик қилувчи юк машиналари тўпланадиган жойга йўл олганларида, Фитрат кўчасида қуролланган жангарилар уларни тўхтатишган.

Т.Манноповнинг хизматдоши оломон орасига яширинишга улгурган, унинг ўзи эса вилоят ҳокимлиги биносига олиб келинади. «Мени жангарилар навбати билан уриб-тепкилашди, бошим, қош-қовоғим ёрилиб, кўзим кўрмай қолган бўлса-да, раҳм-шафқат қилишмади», дейди у. Суд мажлисидаги аниқлаштирувчи саволга жавоб берар экан, бу ҳолатни айбланувчилар ҳам, бошқа жабрланувчилар ҳам тасдиқладилар.

13 май куни эрталаб соат еттида бир неча шахс вилоятдаги «Водий садоси» ёшлар телерадиокомпанияси раҳбари Комил Парпиевнинг иш жойига келиб, ундан бир журналист ва оператор беришни талаб қилади. Рад жавоби бергач, у тўрт нафар қуролланган жангари қуршовида террорчилар раҳнамоси Қобил Парпиевга рўбарў бўлади. «Қисқа гап-сўздан сўнг, хатто хорижий журналистлар келиб бизга ёрдам қилмоқчи бўлиб турганида, айтганимизни қилмайдиган бу одамни гаровдагиларга кўшиб қўйинг, деган топшириқ берилди», дейди ҳамкасбимиз.

Вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Усмоналиев ҳам 12 май куни тунда хизмат юзасидан бир офицер ва ҳайдовчи ҳамроҳлигида аэропортга кетаётганида қуролланган жангарилар томонидан гаровга олинган. Вилоят ҳокимлигида уни ҳозир қора курсида ўтирганлардан бири — М.Собиров сўроқ қилади. Афсуски, гаровдаги офицер билан бир қишлоқда туғилиб ўсгани, мактабдош экани ҳам М.Собировнинг кўнглини юмшата олмайди...

«13 май саҳарида масжид тарафдан бомдод намозига азон товуши эшитилганда, гаровдаги шерикларимиздан бири ноқулай шароитга қарамай намоз ўқий бошлади ва мен уни энди қўйворишса керак деб ўйловдим, — дейди яна бир жабрланувчи — «Омадтранс» шўъба корхонаси автосаф бошлиғи Р.Қурбонов. — Лекин унга парво ҳам қилишмади. Жангарилар аслида тақводор ҳам, тадбиркор ҳам эмаслигига ўша вақтдаёқ амин бўлганман».

Ушбу жиноий тўда аъзоларининг ёвузликларига оид бошқа факт ва далиллар ҳам маълум бўлди. Жабрланувчилар, уларнинг вакиллари жиноий тўда аъзолари кимнинг қандай қийноққа солингани, қайси телефонга қандай жавоб бериш ёки хорижий журналист камераси олдида ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақида тегишли кўрсатмалар бериб турилгани, қочиб кетиш пайтида гаровдагилардан қалқон сифатида фойдаланилгани, қийноқ чоғида ҳолдан тойиб йиқилганларнинг аёвсиз отиб ташлангани ҳақида гувоҳлик берди.

Судда Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларини кўзлаб олиб бораётган мустақил сиёсатни кўролмасдан, уни ўзгартиришга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг туб моҳияти ва тафсилотлари шу тариқа, ишончли далиллар асосида бирма-бир очилмоқда. Юртимиз шаъни ва обрўсига доғ тушириш, халқаро майдонда унинг юзини ерга қаратиш учун катта маблағ, катта куч эвазига амалга оширилган фитна қадам-баҳадам фош этилмоқда.

Одил, холис судлов жараёнида адоват ва хиёнат кўчасида топишганлар, эзгуликни унутиб оғир гуноҳга ботганлар, ўз элига, ўз юртига қарши фитнага бош қўшганлар содир этган барча ғайриинсоний ҳаракатлари учун тегишли жазосини олишига ишонамиз.

Ғулом МИРЗАЕВ, Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА махсус мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вирусдан огоҳлантирди

БМТнинг юқори мартабали ходими доктор Давид Набарро айни пайтда 150 миллион одам ҳаётига хавф туғдираётган грипп пандемияси бошланиши мумкинлиги ҳақида маълум қилди. Унинг айтишича, бунга асосан Осиёда тарқалган парранда гриппи вирусининг мутацияга учраган тури сабаб бўлиши мумкин. Гап шундаки, бу вирус осонлик билан паррандалардан одамга юқиши мумкин экан.

Доктор Наборро яқиндагина БМТнинг парранда гриппи тарқалиши устидан назорат қилишни мувофиқлаштирувчи вазифасига тайинланди.

«Фатх» олдинда

Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббоснинг «Фатх» ҳаракати Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ўтказилган сайловнинг учинчи турида ғалаба қозонди.

Сайлов комиссияси вакили Аднан Самаранинг хабар беришича, «Фатх» ҳаракати сайловчиларнинг 60 фоиз овозини олган. Унинг асосий рақиби «Хамас» эса 26 фоиз овоз тўплаган. Сайловда 70 фоиздан ортиқроқ сайловчи иштирок этган.

Мутахассисларнинг фикрича, муниципал сайлов натижалари 2006 йил 25 январга мўлжалланган парламент сайлови олдидан сиёсий кучлар жойлашуви ҳақида тушунча беради.

Сайловнинг охирги тўртинчи тури 8 декабрда Ғарбий қирғоқ ва Ғазо минтақасининг 107 аҳоли пунктида бўлиб ўтади.

Экосайёҳлик: истиқбол режалари

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

Бу кўҳна замин азал-азалдан ўзининг мўътадил иқлими, фусункор табиати, ерости бойликлари, меъморчилик обидаларию, қадимий қадамжолари билан дунёнинг эътиборини тортиб келган.

Ўзбекистон ҳозирги кунда ўзгаришлар даврида яшаяпти, жаҳоннинг тараққий этган давлатлари сирасига қўшилиш учун ҳамма соҳада чуқур ислоҳотлар давом этяпти. Экосайёҳлик эса қадимдан бизда шаклланган, чунки юртимизда эрта баҳордан кеч кузгача ҳаво ҳароратининг илиқ бўлиши меҳмонлар учун қулай шароит яратади.

Президентимиз шу йилнинг 21-22 сентябрь кунлари Хоразм вилоятига қилган сафарида минтақада экосайёҳликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар борлигини таъкидлади. Шунингдек, дунёнинг ривожланган давлатлари — Япония, Хитой, Жанубий Корея, Европа мамлакатларида сайёҳларнинг Ўзбекистонга қизиқиши тобора ортаётганлигига алоҳида урғу берилди.

Мамлакатимизда экосайёҳликни ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратиляпти. Ўзбекистоннинг бой табиати жаҳон ҳамжамияти, қолаверса, халқаро ташкилотларда қизиқиш уйғотяпти. Айниқса, бу борада «Экосан» халқаро ташкилотининг саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Тошкентдаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида шу йилнинг 28-29 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 июлдаги 312-сонли фармойишига кўра «Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Экосан-Тур» Халқаро экологик сайёҳлик маркази, Евроосиё фонди ҳамкорликда Ўзбекистоннинг экологик сайёҳлик салоҳиятини намойиш этувчи кўргазма ҳамда «Экологик сайёҳлик ва барқарор ривожланиш» мавзуида халқаро конференция ўтказди.

Халқаро кўргазмада ўнлаб хорижий давлатларнинг сайёҳлик бюролари ҳамда республикамизнинг барча вилоятларидан вакиллар қатнашдилар. Иштирокчилар ўз ҳудудларидаги табиий сўлим гўшалар, тарихий обидалар, «очиқ осмон остидаги музей»лар, қўриқхона ва миллий боғлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Кези келганда юртимизнинг экосайёҳлик салоҳиятига тўхталиб ўтайлик. Республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шаҳрисабз, Қўқони латифдари тарихий обидалари, меъморчилик ёдгорликлари етти иқлим сайёҳларининг эътирофига сазовор бўлган. Бу гўшалардан хорижлик меҳмонларнинг қадами узилмайди. Яъни сайёҳликнинг бой имкониятларига эгамиз.

Экосайёҳлик эса мамлакатимизда эндигина ривожланиб келяпти. Дунё тажрибасидан маълумки, атроф-муҳитни муҳофазалаш, маданий ёдгорликларни асраш, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда экологик сайёҳлик катта иқтисодий фойда келтирувчи тармоқдир.

Экологик сайёҳликнинг тараққий этиши ер заҳираларидан оқилона фойдаланишга олиб келади. Дунёнинг экосайёҳлик энг кўп ривожланган давлатларидан бири Шарқий Африкадаги Кения, Найробидаги ерлардан қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатда фойдаланишдан кўра экосайёҳлик орқали бир неча баробар ортиқ иқтисодий фойда кўрилади. Бу соҳа бошқа турдаги сайёҳлик тизими каби ортиқча сарф-харажатга муҳтож эмас. У, айтайлик, қимматбаҳо, беш юлдузли меҳмонхоналарни талаб қилмайди. Зарурат туғилганда маҳаллий аҳолининг уй-жойи, транспортидан фойдаланиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдосини йўлга қўйиш, одамларни йўлбошловчиликка жалб этиш мумкин. Тизимни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари очиб, ҳудудда яшовчиларнинг турмуш шароитини яхшиласа бўлади.

Мамлакатимизнинг экосайёҳлик салоҳияти юқори. Юртимизнинг сўлим гўшалари бўлмиш Угом, Чирчиқ, Пском каби дарёларда сув спортини ривожлантириш орқали сайёҳларни чорлаш мумкин. Айниқса, мамлакатимизда 9 та давлат қўриқхонаси, 2 та давлат табиат миллий боғи, 9 та давлат заказниги мавжуд. Улар умумий майдонимизнинг 4,6 фоизини ташкил қилади.

Маълумки, Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси 1986 йилда ЮНЕСКО томонидан рўйхатга олинди. Зомин, Нурота, Ҳисор қўриқхонаси, Угам-Чотқол миллий боғи, «Жайрон» экомаркази, Амударё тўқайлари дунёдаги ривожланган давлатлар экосайёҳлик тизимидан кам эмас.

Айниқса, Амударё қуйилишида жойлашган Қорақалпоғистон ўзига хос табиатга эга. Унинг шарқида Қизилқум саҳроси, ғарбида Уст-юрт платоси жойлашган. Орол денгизининг қолдиқ ўзани ҳам ўзига хос ландшафт ҳосил қиладики, бу, албатта, сайёҳларни қизиқтириши табиийдир.

Экосайёҳлик ярмаркасини айланар эканмиз, қатнашчиларга мурожаат этдик.

— Угам-Чотқол Давлат миллий боғиданмиз, — дейди ўрмон хўжалиги мутахассиси Шарифбой Вакилов. — 574 минг 600 гектар ҳудуддаги боғимизга экосайёҳларни 1-5 кунлик — Чорвоқ, Чимган, Билдирсой, Оқтош, Хумсон, Янгиобод йўналишларида дам олишга чақирамиз.

— Қорақалпоғистонданмиз, — дея ўзини таништирди Дилбар Каримбекова. — «Аёзқалъа» сайёҳлик фирмамиз орқали экосайёҳларни юртимизнинг тарихий обидаларига, кўлларимиз — Судочье, Жилтирбасға ҳамда Мўйноқ, Қизилқум саҳроси, Бургутқалъа, Тупроққалъа, Жонбошқалъа, Доутқалъа, Султонбобо, Гулдурсин ва бошқа табиат қўйнидаги «музейлар»га таклиф этамиз.

Яна бир қатнашчи — Воҳид Пирматов биздан «Айдаркўлда бўлганмисиз?», деб сўрайди.

— Навоий вилояти, Хатирчи тумани сайёҳлик фирмасиданмиз, «Айдаркўл» сайёҳлик базаси директориман, — дейди у. — Сардобалар Айдаркўл ва Сармишсойнинг табиати экосайёҳлик учун жуда мос, ҳозир бу масканларда 6 та юрталардан иборат дам олиш маскани яратдик, 3 маҳал иссиқ овқат, шарт-шароит муҳайё. 4-5 йилдан буён чет элликларнинг кети узилмаяпти, германияликлар, французлар билан ҳамкорлик қиляпмиз.

Конференцияда бу соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Мамлакатимизнинг экосайёҳлик салоҳияти юксак бўлса-да, ҳали бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Жумладан, республикамизда экосайёҳлик соҳа қонунчилиги, менежмент, маркетинг ишлари етарли даражада ривожланмаган. Қолаверса, экосайёҳлик тизимининг тарғибот, ташвиқот, реклама фаолияти қониқарсиз аҳволда.

Экосайёҳлик истиқболли тизимдир. Бугунги кунда мамлакатимизда бу йўналишнинг тамал тошлари қўйилиб, дастлабки қадамлар ташланяпти. Бу илк қадамлар қутлуғ келсин. Ўйлаймизки, Ўзбекистон келажакда экосайёҳлик тизими ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Партия ташкилотларининг ОАВ билан ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг нашри – «Қарақалпақстан ҳаўазы» газетаси фаолиятини ривожлантириш, ундаги мавзуларни ЎзХДП янги Дастурида белгиланган вазифаларга йўналтириш ҳамда партия ташкилотларининг маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш хусусида фикр алмашилди.

Хўжайли туман кенгашида «Партияда ислоҳотлар ўтказиш — давр талаби» номли давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, БПТ раислари иштирок этиб, ЎзХДП янги Дастури асосида ишлаб чиқилган партия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

Беруний туман кенгаши тумандаги 1 ва 51-мактабларда «Устоз қадри» номли учрашувлар ташкил қилди. Уларда партиямиз фаоли бўлган ўқитувчилар иштирок этди. Фахрий устозларга совғалар топширилди.

Андижон шаҳар кенгаши Андижон давлат университети билан ҳамкорликда биринчи курс талабалари иштирокида оммавий тадбир ўтказди. Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДПга қабул қилинган бир гуруҳ талабаларга партия билетлари топширилди.

Марҳамат туман кенгаши Агробизнес коллежида «Терроризм тинчлигимиз кушандаси» мавзуида тадбир ўтказди.

Навоий вилоят кенгаши томонидан Зарафшон шаҳар ва Учқудуқ туман партия ташкилотларида Халқ демократик партияси аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштириш хусусида давра суҳбатлари ўтказилиб, бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, вилоят партия кенгаши томонидан Хатирчи туман партия ташкилоти ҳамкорлигида «Оқ олтин» ширкат хўжалигида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган Навоий давлат педагогика институти талабалари билан учрашув ўтказилди. Ёшлар билан юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон ХДП ҳаёти ҳақида самимий суҳбат ўтказилиб, илғор теримчиларга совғалар улашилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ ҚЎМИТАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Фарғона вилояти, Қува шаҳридаги «АНОРЗОР» Давлат чегара постини тайёр ҳолда қуриш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси

Бошланғич баҳоси — 117,439 млн. сўм.

Қурилиш муддати — 31 декабрь 2005 йил.

Қурилиш ишлари давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишида танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 24-18-71 (76)

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«KAFOLAT-TRAST» масъулияти чекланган жамияти сизларни 2005 йил 31 октябрь соат 15.00 да

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда

«KAFOLAT-TRAST» МЧЖ савдолар залида ўтказиладиган навбатдаги очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Д.А.Мустафаевга қарашли, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-уйда жойлашган умумий майдони 9318 кв.м. бўлган:

Идора ва ишлаб чиқариш цехи. Майдони — 2074,66 кв.м.

— Омборхона биноси. Майдони — 1267,52 кв.м.

— Омборхона биноси. Майдони — 64,96 кв.м.

— Ошхона биноси. Майдони — 57,71 кв.м.

— Қоровулхона биноси. Майдони — 11,21 кв.м.

Ушбу кўчмас мулк объектларининг бошланғич умумий баҳоси — 25 075 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, фуқаро Н.Т.Мавляновага қарашли, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, С.Азимов кўчаси. 2-уйда жойлашган, 3 хонадан иборат бўлган 19-хонадон.

Бошланғич баҳоси — 12 800 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объектлари савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Ушбу сотувга қўйилган кўчмас мулк сотилмаган тақдирда 2005 йил 3,7,10,14,17 ноябрь кунлари соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнатиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси. 75-уй. Телефонлар: 115-2007, 105-2009.

Янги шеърлар

Сирожиддин САЙЙИД

ҲАР МАНЗИЛ БИР ТЕНГСИЗ ЖАҲОНДИР...

ТЕМИР ЙЎЛ

Ҳаёт катта йўлга ўхшайди,
Айланади бир умр йўллар.
Уфқларга умид тўшайди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Қайга элтди пахтаю донин
Шунча йиллар, у темир йиллар?
Юксалтирар ўзбекнинг шонин
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Кўприклар ҳам дилларга ўхшар,
Эл қалбидай дарёлар, кўллар.
Тилакларга, йилларга ўхшар
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Бир зумгина чайқалиб қолди
Ота макон — қирларим, чўллар.
Осмонларни ёнига олди
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Сизни ҳасад нечун маҳв этар
Кўмир диллар, эҳ кўмир диллар?
Ниятларни манзилга элтар
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Дунё гоҳо бизга қайрилмай,
Эзгуликни тиллога пуллар.
Ор-номусдай кетар айрилмай
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Ким қад тиклаб оламга бокди,
Бағри тўла орзулар, гуллар.
Мақсадларга чечаклар тақди,
Темир йўллар, бу темир йўллар.

Ҳар манзил — бир тенгсиз жаҳондир,
Ўтаверар бу умр — йўллар.
Мангуликка қадар равондир
Темир йўллар, бу темир йўллар.

УСТОЗ

Доим янграб турсин шеър ила ғазал,
Давру замонимдан қайирма, Худо.
Ҳамма ҳам яшасин, фақат энг аввал
Мени устозимдан айирма, Худо.

Маҳкам қил эзгулик чегараларин,
Ғамга чулғамагин тевараклярин.
Асрагин гулдайин невараларин,
Мени устозимдан айирма, Худо.

У дилларда яшар, ўзи — дилпора,
Тоғдек улуғ, бироқ хасдан бечора.
Бу зорим сенга ҳам етсайди зора,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Бир буюк, бир даҳшат шоирчалар бор,
Бир-бирин қовуриб ейишга тайёр.
Уларга ҳеч кимни қилма гирифтор,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Эсиз шеър ёзолмай юрган пайтларим,
Сувга оқиб кетди қанча дардларим.
Ўтди не-не дўст-ёр, мард, номардларим,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Ҳасрат майи тўла бир пиёладир,
Бағри қизғиш, юзи сарғиш лоладир.
Етмиш ёшга бораётган боладир,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Менинг энг беғубор чоғларим кетган,
Яшил адирларим, боғларим кетган.
Қанчалар суянган тоғларим кетган,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Одамзот авзойи ўзингга маълум,
Бир умр яшаб ҳам олмагай таълим.
Отадин сўнг турар ахир муаллим,
Мени устозимдан айирма, Худо.

Тадбир

БОЛАЛАРНИНГ САМИМИЙ СОВҒАСИ

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган «Янги авлод юлдузлари устозларга» деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ундан «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали совриндорлари ва Ўсмирлар симфоник оркестри жамоалари иштирок этдилар. Ёш созандаларнинг моҳирона ижро этган куйлари, бадиий чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирда иштирок этган ўқитувчиларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

«МУТОЛАА БАЙРАМИ — 2005»

Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси ташаббуси билан нашриётлар фаолиятини ривожлантириш, кутубхоначиликка янги ахборот технологияларини татбиқ этиш ҳамда билимга чанқоқ ёшларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган «Мутолаа байрами — 2005» тадбири кеча якунланди. Унда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси янги нашрлари ва электрон маълумотлар базаси тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир давомида «Мутолаа маданиятининг шаклланишида кутубхоналар ва нашриётларнинг ўрни», «Нашриётлар реклама ва ахборотларининг кутубхоналар учун аҳамияти», «Муаллифлик буюртмалари ва электрон нашрлар» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди. Ёзувчилар, шоирлар, фан ва санъат арбобларининг китобхонлар билан учрашувлари унга янада мазмун бахш этди.

Республикамиз қатор кутубхоналарида ўн кун давомида ўтказилган «Мутолаа байрами — 2005»нинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган якуний босқичида «Ўзбек олимларининг асарлари — чет элларда» мавзуидаги китоблар кўргазмаси намойиш этилди. Унинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси раиси Абдусалом Умаров, республика «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбари Қуддус Аъзамов сўзга чиқди.

Анвар САМАДОВ

МУСИҚА АНЖУМАНИНИНГ АКС-САДОСИ

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали оҳанглари унинг иштирокчилари ва томошабинларининг қалбида ҳамон жаранглаётир.

ЮНЕСКО Бош директорининг маслаҳатчиси, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ҳайъатининг аъзоси Норико Айкава анжуман ташкилотчилари номига йўллаган мактубида шундай дейди: «Биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали деб аталмиш ажойиб мусиқа шодиёнасида иштирок этишга яратиб берилган имконият учун беҳад миннатдормиз. Унинг ташкил этилиши бизда катта таассурот қолдирди, афсонавий Регистон майдонида яна бир карра бўлиш имконияти эса бизни ғоят тўлқинлантиради ва ҳаяжонга солади».

Париж шаҳри марказий туманларидан бирининг мэри Ж.Ф. Легарэ эса қуйидаги фикрларни изҳор этади:

— Бу фестивалнинг имкониятлари катта ва истиқболи порлоқдир. У юксак дид билан тайёрланган, ўз услубига, қиёфаси ва халқаро нуфузига эга. Ушбу фестивалда қатнашиш ҳар қандай мусиқачи учун шарафлидир. Унда ҳар доим таниқли мусиқа танқидчилари иштирок этишади, уларнинг фикрлари эса доимо зарур. Ўзбек мусиқа усталари халқаро фестивалларда, Европада, хусусан Францияда ўтказиладиган концертларда кўпроқ иштирок этишини истар эдим.

«Жаҳон» АА

Ҳамкорлик

КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Шу йилнинг 10-15 октябрь кунлари мамлакатимизда Корея маданияти кунлари бўлиб ўтади. Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг маълум қилишича, ушбу тадбирдан мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашдир. Мамлакатимизда саккизинчи марта ўтадиган Корея маданияти кунлари дастуридан корейс ва ўзбек мўйқалам усталарининг кўргазмаси, концерт ва кинофестиваль ўрин олган.

Алишер РЎЗИЕВ

ЧП «KOMILFO» преобразуется в ООО «KOMILFO».
Претензии принимаются по следующему телефону: (68-07-18).

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Шукур ХОЛМИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Мулоқот» журнали таҳрир ҳайъати ва ижодий жамоаси Ўзбекистон Халқ ёзувчиси **Шукур ХОЛМИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими **Раҳима МУҲСИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Спорт

ШОҲМОТ ТОЖИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

ФИДЕ ташаббуси билан Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ташкил этилаётган жаҳон чемпионати баҳслари тобора қизғин тус олмоқда. Дунёнинг етакчи саккиз гроссмейстери дона сураётган ушбу нуфузли мусобақада иккинчи тур баҳслари ниҳоясига етди.

Дастлабки партияда россиялик Александр Морозевичга қарши қора доналарда ўйнаган Рустам якунда дурангга рози бўлди. Моҳир шоҳмотчимиз иккинчи турда ҳам яна бир Россия вакилига қарши дона сурди. Бу гал Рустамнинг рақиби Пётр Свидлер эди. Ушбу учрашувда ҳам шоҳмотчилар муроса йўлини танлашди — 0,5:0,5.

Иккинчи турдаги қолган партияларнинг барчасида дуранг натижалар қайд этилди. Унда қуйидаги гроссмейстерлар ўзаро дона суришди: Веселин Топалов (Болгария) — Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Майкл Адамс (Англия) — Юдит Полгар (Венгрия), Петер Леко (Венгрия) — Александр Морозевич (Россия).

Иккинчи турдан сўнг, мусобақада 1,5 тадан очко жамғарган Топалов ҳамда Ананд ҳозирча пешқадам бўлиб турибди. Қосимжонов, Свидлер, Морозевич, Адамслар биттадан очко жамғарган бўлса, Леко ва Полгар (0,5) сўнгги ўринларни банд этган.

Кеча ўтказилган учинчи турда Рустам Қосимжонов венгриялик Юдит Полгар билан ўйнади. Бугун эса ҳиндистонлик Вишванатан Анандга қарши баҳс юритади.

Mundial de Ajedrez SAN LUIS 2005

РУСЛАННИНГ 17-ҒАЛАБАСИ

Профессионал боксниг WBO йўналиши бўйича дунё таснифида ўн тўртинчи поғонани банд этиб турган ҳамюртимиз Руслан Чагаев навбатдаги рейтинг жангини ўтказди. Германиянинг Гамбург шаҳрида уюштирилган мазкур учрашувда боксчимиз бразилиялик Юсимар Ипполитога қарши рингга кўтарилди.

Хабарингиз бор, Руслан аввалги жангини шу йилнинг 26 мартида Риза (Германия) шаҳрида америкалик Шерман Уильямсга қарши ўтказиб, очколар ҳисобида ғалаба қозонганди. Ҳамюртимизнинг бу галги рақиби Ипполито ушбу учрашувгача ўн икки маротаба рингга чиқиб, шунинг тўққизтасини ўз фойдасига ҳал қилган.

Сўнгги пайтларда «Оқ Тайсон» лақаби билан шуҳрат қозонган Руслан Чагаев учун бу сафарги жанг қийин кечмади. Ниҳоятда кескин ўтиши кутилган мазкур жанг бор-йўғи бир раунд давом этди. Моҳир боксчимизнинг кетма-кет кучли зарбаларига дош беролмаган Ипполито дастлабки раунддаёқ бир неча маротаба нокдаун ҳолатига тушиб қолди. Натижада унинг мураббийи ҳакамларга Юсимар жангни давом эттира олмаслигини билдирди. Шундай қилиб, профессионал рингда ўзининг ўн еттинчи ғалабасини нишонлаган Руслан Чагаев жаҳон таснифидаги мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Эркин ХОЛБОБО

АЛИНА ЧЕМПИОНАТГА БОРОЛМАЙДИ

Олимпия чемпиони Алина Кабаева Россия терма жамоаси таркибида бадиий гимнастика бўйича келаси ҳафтада Бокуда бошланадиган жаҳон чемпионатига боролмайдиган бўлди. 22 ёшли спорт юлдузи Афинада қўлга киритган олтин медалидан кейин шу йил яна майдонга қайтишни орзу қилган эди.

Томошабинлар олдида унинг кўргазмали чиқишлари терма жамоа мураббийи Ирина Винерга маъқул келмади. Оқибатда Алина ўрнига ёш Светлана Путинцевани терма жамоага қабул қилишга тўғри келди.

— Жаҳон чемпионатига тайёргарлик мобайнида энг юқори натижа кўрсатган гимнастикачиларгина боради, — дейди Винер.

Алина ҳам ўз имкониятлари илгаригидек эмаслигини тан олди.

ЗЎРЛАРНИНГ ЗЎРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Футбол бўйича Чемпионлар лигасида гуруҳлар босқичидаги навбатдаги учрашувлар ўтказилди. Барчанинг диққат-эътиборида турган «Ливерпуль» ва «Челси» ўртасидаги ўйин жанговар дуранг (0:0) билан тугади.

Бошқа ўйинлар қуйидаги натижалар билан якунланди:

«Фенербахчи» (Туркия) — ПСВ (Голландия) — 3:0,
«Шальке-04» (Германия) — «Милан» (Италия) — 2:2,
«Русенборг» (Норвегия) — «Лион» (Франция) — 0:1,
«Реал» (Испания) — «Олимпиакос» (Греция) — 2:1,
«Андерлехт» (Бельгия) — «Бетис» (Испания) — 0:1,
«Интер» (Италия) — «Рейнджерс» (Шотландия) —1:0,
«Порту» (Португалия) — «Артмедиа» (Словакия) — 2:3.

Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида фаолият кўрсатаётган муҳтарам устозларимизни

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан табриклайди.

Машаққатли меҳнатларингизда сабру қаноат ва муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Anvar SAMADOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 952
6325 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 21.00
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda